

- **Мавзу. Иқтисодий ислоҳотлар, хусусий мулкчиликнинг шаклланиши. Ўзбекистонда бозор муносабатларининг ривожланиши.**

- **Режа.**

- 1. Иқтисодиётни модернизация қилиш концепцияси. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг шаклланиши, унинг йўналишлари, босқичлари ва хусусиятлари.
- 2. Бозор муносабатларига ўтишнинг ҳуқуқий асосларининг яратилиши. Иқтисодий ислоҳотларнинг беш тамойилини амалга оширилиш механизми.
- 3. Саноат, автомобилсозлик соҳасининг ривожланиши.

Бозор иқтисоди муносабатларининг ўзига хос сифат белгилари ва хусусиятлари

1. Товар ишлаб чиқарувчи иқтисодий жиҳатдан эркин бўлади.

2. Товар ишлаб чиқарувчи мулк эгаси бўлади ёки ижара мулкига эга бўлади ва уни ўзи билганича ишлатади.

3. Товар ишлаб чиқарувчи ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотининг эгаси, хўжайинидир.

4. Бозорга чиқарилган товарни олди-сотди қилиш сотувчи билан харидорнинг эркин ва ихтиёрий муносабатига асосланади.

5. Бозор иқтисодиёти монополизмни, яъни якка ҳукмронликни инкор этади.

6. Бозорда ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи ўз шартини қўяди, чунки пулнинг қўлида бўлади.

7. Ишлаб чиқарилган товарга сарф қилинадиган меҳнат харидорнинг маҳсулотга талаби даражаси миқдорида бўлиши лозим.

8. Бозорда қандай товарга талаб ошиб борса, ўша маҳсулотни ишлаб чиқариш фойда келтиради.

9. Бозор иқтисодиёти шароитида товар ишлаб чиқарувчилар, жамият аъзолари ўз даромадлари миқдорида қараб табақаланадилар.

Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли

- Президентнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарида Ўзбекистон истиқлолининг ҳам назарий, ҳам амалий муаммолари илмий жиҳатдан ўрганилиб, жамият сиёсий ривожининг, иқтисодий тараққиётининг, маънавий покланишининг асосий йўл-йўриқлари янгича мушоҳада ва ёндашув билан кўрсатиб берди.
- У ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида янгиланган жамиятда яшовчи кишининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий турмуш тарзини кафолатловчи йўللари кўрсатди.
- И.А.Каримов «Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласида (1993) «Ўзбекистон ўзи учун танлаб олган йўл ижтимоий соҳага йўналтирилган, Республиканинг манфаатларига, шарт-шароитлари ва хусусиятларига энг кўп даражада мос келадиган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир.
- Айни мана шундай йўл Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий анъаналари ва маданиятининг қайта тикланиши, инсонни шахс сифатида маънавий ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин», деди.

Ўзбекистонда янги давлат ва жамият қуришнинг беш тамойили

→ **Биринчи – иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва унинг сиёсатдан устунлиги. Бошқача айтганда, аввал иқтисод, кейин сиёсат**

→ **Иккинчи – давлатнинг ўзи эски тузумдан янги тузумга ўтиш даврида бош ислохотчи бўлиши, яъни унинг мамлакатни давлатчилик, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда янгилашга қаратилган ислохотларнинг ташаббускори бўлиш вазифасини ўз зиммасига олиши**

→ **Учинчи – қонун устуворлиги ёки барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги**

→ **Тўртинчи – кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг аҳолини ижтимоий ночор қатлам ва гуруҳларини қўллаб-қувватлаш борасида масъул бўлиши**

→ **Бешинчи – ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш**

Иқтисодни ислоҳ қилишнинг стратегик мақсадлари

→ **Кишилар турмуши ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган, кучли ва мунтазам ривожланиб боровчи иқтисодий тизимни барпо этиш.**

→ **Кўп укладли иқтисодни, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ҳар томонлама ўсиши учун асос бўладиган хусусий мулкчиликни вужудга келтириш.**

→ **Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинлик бериш, уларнинг хўжалик ишларига давлатнинг тўғридан-тўғри аралашидан воз кечиш.**

→ **Иқтисодда чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш, моддий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлаш.**

→ **Жаҳон иқтисодига интеграциялашиб бориш.**

→ **Кишиларнинг дунёқарашини ўзгартириш, уларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш.**

Иқтисодни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари

Улар Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги, иқтисодий мустақиллигининг ҳуқуқий негизларини ифодаловчи, давлатни бошқариш қоидаларини тартибга солувчи қонунлардир:

«Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги, "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги, «Вазирлар Маҳкамасими тўғрисида»ги (1993 йил), «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар кирди

Янги иқтисодий муносабатларни, хусусий мулкчиликни ва кўп укладли иқтисодни шакллантирувчи қонунлар мажмуаси

Хўжалик юритишни тартибга солувчи қонунлар

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормалар

Инсон ҳуқуқларини, аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватланиши ва ижтимоий кафолатини таъминлайдиган қонунлар

Бозор иқтисоди муносабатларига асосланган жамиятни барпо этишнинг асосий шарти:

- 1) давлат мулкани хусусийлаштириш;
- 2) кўп укладли иқтисодни вужудга келтириш;
- 3) ишлаб чиқариш корхоналари ва мулкдорлар ўртасида ўзаро рақобатлашиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;
- 4) мулкдорлар синфини шакллантириш.

Давлат мулкини хусусийлаштириш

- 1992-1993 йилларда 28,8 минг юридик шахс 53,9 мингта хусусий объект эгаси бўлди.
- Шу йилларда 1 миллион квартира хусусийлаштирилди.
- 2002 йилда Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми қайсидир шаклдаги мулк эгаси бўлди.
- Хусусийлаштириш дастурига асосан дастлабки босқичда умумий уй-жой фонди, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналарини ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тизими қамраб олди.
- Бу «кичик хусусийлаштириш» деб ном олди. Кичик хусусийлаштириш 1994 йилдаёқ тугалланди.
- 1992-1994 йилларда 54 мингга яқин корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилди. Уларнинг 18,4 мингтаси хусусий мулк бўлиб қолди.
- 1994 йилда мамлакат ялпи ижтимоий маҳсулотининг деярли ярми иқтисодиётнинг нодавлат секторида ишлаб чиқилди, бу секторда 4 миллионга яқин киши иш билан банд бўлди.
- Ҳар 3 кишининг биттаси эгасига имтиёзли шартлар билан ёки бепул квартира берилди.
- Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга доир 20 дан ортиқ давлат дастури қабул қилинди. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида аҳоли учун имтиёзли тизим яратилди.
- 2003 йил бошида хусусий ва кичик корхоналар сони 120 мингдан ошди.

Бозор инфраструктурасининг шаклантирилиши

- Бозор инфраструктураси - товар ва пул бозорида, меҳнат ресурслари бозорида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро алоқани таъминловчи иқтисодий воситалар - тегишли молия ва кредит тизими, суғурта, аудиторлик, юридик ва хусусий фирмалар тизими.
- 1992 йилда 30 дан ортиқ шундай биржалар иш олиб борди.
- 1994 йилдан бошлаб мамлакатда кредит ресурслари бозори фаол ишлай бошлади.
- 240 дан ортиқ меҳнат биржасини ўз ичига олувчи катта тармоқ ташкил этилди. Ҳар бир туманда меҳнат биржалари барпо қилинди.
- 1991-1993 йилларда рубл зонасида бўлган даврда ишлаб чиқаришнинг бутунлай инқирозга юз тутишига ва аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик, савдо балансининг аҳволини яхшилашга, иқтисодий тизимни такомиллаштиришга қаратилган сиёсат олиб борилди.
- 2003 йилга келиб мамлакатда 35 та тижорат банки ва уларнинг худудларида 805 та филиаллари фаолият кўрсатди.
- Халқаро молия ташкилотлари ва чет эл давлатлари банкларининг ваколатхоналари очилди. Бундан ташқари, мамлакатда мини банклар фаолияти кенг йўлга қўйилди.
- 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳамда Халқаро валюта фонди ўртасида иқтисодий ва молиявий сиёсат масалалари юзасидан меморандум имзоланди.
- Ўзбекистон ва Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ХТТБ) ва Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) билан ҳам кенг ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Иқтисоднинг аграр соҳасидаги ўзгаришлари

- 1991-2003 йиллар давомида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш масалалари бўйича 10 дан ортиқ қарорлар қабул қилди.
- 2003 йилда 3541 минг гектар экин майдонининг 3326 минг гектари ёки 94% ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари ихтиёрида бўлса, бугунги кунда улар деярли шундан 992 минг гектари фермер хўжаликлари тасарруфига ўтди.
- Республикада етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келади.
- 1991 йилгача мамлакатимизда 1 миллион 842 минг хонадон газлаштирилган бўлса, бу кўрсаткич 1997 йилда 3 миллион 155 мингга етди.
- Қишлоқларда 2 миллионга яқин иш жойи яратилди.
- 650 минг кишини касбга тайёрлаш мўлжалланди.
- 2003 йилдан Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали иш бошлади ва воҳа қишлоқ хўжалигини кадрлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда.


ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ



ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ



ҚОРАМОЛ БОШЛАРИ СОНИ





2022 йил – «ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”
MARKAZI

398 та бандни амалга ошириш
учун кўзда тутилган маблағлар:



Жами:
55 трлн сўм ва **11,7 млрд АҚШ доллари**

45 та
банд

1-йўналиш

128 та
банд

3-йўналиш

29 та
банд

5-йўналиш

75 та
банд

7-йўналиш

24 та
банд

2-йўналиш

59 та
банд

4-йўналиш

38 та
банд

6-йўналиш



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИХАСИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”
MARKAZI

3

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, УНИНГ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАЪМИНЛАШ

21-мақсад:



Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни – **1,6 баравар** ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни **4 минг АҚШ** долларидан ошириш ҳамда **“даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар”** қаторига кириш учун замин яратиш.

22-мақсад:



Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини **1,4 бараварга** ошириш.

23-мақсад:



Геология-қидирув ишлари ҳажмини кескин ошириш, соҳага хусусий инвесторлар ва илғор хорижий компанияларни кенг жалб қилиш.

24-мақсад:



Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда **“Яшил иқтисодиёт”** технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини **20 фоизга** ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини **10 фоизга** қисқартириш.



www.strategy.uz



[@adsc.uzbekistan](https://www.facebook.com/adsc.uzbekistan)



[@adsc_uzb](https://twitter.com/adsc_uzb)



[@adscuzbekistan](https://t.me/adscuzbekistan)



[@adscuzbekistan](https://www.instagram.com/adscuzbekistan)



[Development Strategy Center](https://www.youtube.com/DevelopmentStrategyCenter)



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИХАСИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”
MARKAZI

3

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, УНИНГ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАЪМИНЛАШ

25-мақсад:



Рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида **2,5 баравар** оширишга қаратилган ишларни олиб бориш. Дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини **5 марта**, уларнинг экспортини эса **10 марта** ошириб, **500 млн.** долларга етказиш.

26-мақсад:



Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибadorлигини ошириш, келгуси беш йилда **120 миллиард** доллар, жумладан **70 миллиард** доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш.

27-мақсад:



Иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори ҳажмини **200 млн. доллардан 7 миллиард долларга** етказиш.

28-мақсад:



Республика экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини **30 миллиард** долларга етказиш.



www.strategy.uz



[@dsc.uzbekistan](https://www.facebook.com/dsc.uzbekistan)



[@dsc_uzb](https://twitter.com/dsc_uzb)



[@dscuzbekistan](https://www.telegram.me/dscuzbekistan)



[@dscuzbekistan](https://www.instagram.com/dscuzbekistan)



[Development Strategy Center](https://www.youtube.com/DevelopmentStrategyCenter)



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИХАСИ



"TARAQQIYOT STRATEGIYASI"
MARKAZI

3

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, УНИНГ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАЪМИНЛАШ

29-мақсад:



Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитларни яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини **80 фоизга** ва экспортдаги улушини **60 фоизга** етказиш, мамлакатда 2026 йил якунига қадар ишсизлик даражасини камида **2 баравар** қисқартириш.

30-мақсад:



Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсиф ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида **2 баравар** ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида **5 фоизга** етказиш.

31-мақсад:



Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш.

32-мақсад:



Чорвачилик озуқа базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажминини **1,5-2 марта** кўпайтириш.



www.strategy.uz



[@dsc.uzbekistan](https://www.facebook.com/dsc.uzbekistan)



[@dsc_uzb](https://twitter.com/dsc_uzb)



[@dscuzbekistan](https://www.telegram.com/@dscuzbekistan)



[@dscuzbekistan](https://www.instagram.com/dscuzbekistan)



[Development Strategy Center](https://www.youtube.com/DevelopmentStrategyCenter)



Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг ривожланиши



Макроиқтисодий барқарорликка эришиш

- Ўзбекистонда асосий фондларнинг 40 фоизи саноат ҳиссасига тўғри келади.
- Дунёнинг 162 мамлакати сармоядорлари иштирокида тузилган 4 мингдан ортиқ қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бир неча баробарга ошди. Ташқи савдода ижобий сальдога эришилди.
- Ўзбекистон энергетика тизимида Сирдарё ГРЭС, Янги Ангрен ГРЭС, Тошкент ГРЭС, Навоий ГРЭС, Ангрен ГРЭС, Тахиатош ГРЭС, Талимаржон ГРЭС, Чорвоқ ГЭС, Хўжакент ГЭС, Ғазалкент ГЭС, Фарход ГЭС иссиқлик электр марказлари катта ўрин тутди.
- 1997 йилдан Ўзбекистон нефтьни экспорт қилувчи давлатлар қаторидан жой олди.
- Ўзбекистон 50 турдан ортиқ нефть маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда.
- 1992 йилда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, 1997 йилда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниялари ташкил этилди. Япония, Германия, Корея билан ҳамкорликда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Наманган, Термиз, Навоий шаҳарларидаги аэропортлар қайта қурилди.
- Мамлакатимиз темир йўлларининг узунлиги 7 минг километрдан ошди.
- Ўзбекистоннинг Ўрта Осиёдаги мамлакатлар билан бирга Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕКО)га кирувчи Покистон, Эрон, Туркия, Афғонистон ва Озарбайжон ҳукуматлараро шартнома тузиб Трансosiё магистрали: Истамбул - Тошкент, Олмония-Пекин темир йўлини қуришга қўшилди.
- Ўзбекистон Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар билан биргаликда «ТРАСЕКА» лойиҳасини рўёбга чиқаришда ҳам фаол иштирок этмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси замонавий ҳаво кемаларига эга бўлди.




Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг ривожланиши



Ўзбекистон - замонавий автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакат

- И.Каримов бошчилигидаги давлат делегациясининг 1992 йил июнь ойида Жанубий Корея Республикасига қилган расмий ташрифи чоғида икки давлат ўртасида ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида дастлабки ҳужжатлар имзоланди;
- 1992 йил август ойида эса Жанубий Корея билан ҳамкорликда автомобиль ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этиш тўғрисида келишиб олинди.
- «ЎЗДЕУавто» корхонаси қурилиши 1993 йил февралда бошланиб, 1996 йил 19-июлда - 32 ой мобайнида битди. Йилига 200 минг автомобил ишлаб чиқара оладиган бу улкан иншоотнинг умумий қиймати 658 миллион АҚШ долларини ташкил этди;
- 2002 йилдан бошлаб корхонада «Матиз» ва «Нексия-2», 2003 йилдан «Ласетти» русумидаги янги автомобиллар ишлаб чиқаришга киришилди. 1999 йил 16-март куни Самарқандда Ўзбекистоннинг яна бир автомобиль заводи иш бошлади. Бугунги кунда Япониянинг Сузуки корхонаси билан ҳамкорликда ушбу корхонада йилига минглаб турли русумдаги қулай ва ихчам автобуслар, турли хил юк ташиш машиналари ишлаб чиқарилмоқда;
- 1996 йилдан эътиборан В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация заводида маҳаллий ҳаво йўлларида қатнашга мўлжалланган 64 ўринли янги ИЛ-114 самолётлари ҳам ишлаб чиқарила бошланди;
- Бугунги кунда Шевролет: Такума, Эврика, Эпика замонавий машиналари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган.

2008 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари



■ саноат

■ истеъмол товарлари
ишлаб чиқариш

■ хизмат кўрсатиш

■ қурилиш

■ транспортда юк ва
йўловчи ташиш ҳажми

■ қишлоқ хўжалиги

■ савдо соҳаси

2021 ва 2022 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиши 4,8% ва 5,5% га этади. Бу ҳақда Жаҳон банкининг «Жаҳон иқтисодий истиқболлари» ҳисоботининг июнь сонида айтилган. Умуман олганда, Марказий Осиёда иқтисодий ўсиш 2021 йилда 3,7 фоизга ва 2022 йилда 4,3 фоизгача тикланиши кутилмоқда. Бунга, таҳлилчиларнинг фикрига кўра, хомашё нархларининг бироз кўтарилиши, йирик нефть ишлаб чиқарувчи мамлакатларда ишлаб чиқариш ҳажмидаги чекловларнинг юмшатилиши ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кўпайиши ёрдам беради.

Маънавий қадриятларнинг тикланиши ва миллий ўзликни англаш

- 1991 йили Навоий таваллудининг 550 йиллиги кенг нишонланди. Пушкин номидаги Адабиёт институтига Алишер Навоий номи берилди;
- 1994 йил Улуғбек йили деб эълон қилинди ва унинг 600 йиллиги мамлакат ва жаҳонда кенг нишонланди;
- 1992 йил май ойида Наманганда улуғ аجدодимиз Машрабга бағишлаб кенг нишонланди. Бу шаҳарда унинг номи билан аталувчи катта истироҳат боғи барпо этилди;
- 1996 йилда Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги нишонланди;
- 1998 йил 24 октябрь куни Фарғонада Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги нишонланди;
- 1999 йил 5 ноябрда Хоразмда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги нишонланди;
- 1999 йил 17 декабрь куни Огаҳий таваллудининг 190 йиллиги нишонланди;
- 1997 йилда Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги нишонланди;
- 1999 йил 6 ноябрь куни Термизда «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги кенг нишонланди. 2000 йилда ҳазрат А.Навоийнинг 560 йиллиги яна ҳам кенгроқ нишонланди;

- 2001 йилда Хоразмда «Авесто»нинг 2700 йиллиги кенг нишонланди. «Авесто» китоби дунёга келганидан буён илк мартаба ўзбек тилига таржима қилинди ва нашр этилди;
- 2002 йилда Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги, Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги ЮНЕСКО иштирокида кенг байрам қилинди;
- 2003 йилда Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги нишонланди.
- Имом Абу Исо ат- Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд аз- Замаҳшарийнинг 920 йиллиги (1995 йил);
- Нажмиддин Қубронинг 850 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги (1993 йил) ва Ҳожа Аҳрори Валийнинг 600 йиллиги кенг кўламда нишонланди;
- 2000 йили Ислом оламининг улуғ ҳуқуқшуноси Бурхониддин Марғилонийнинг 1200 йиллиги ва беназир аллома Абу Мансур Мотуридийнинг 1130 йиллиги кенг нишонланди. Имом Бухорийнинг тўрт жилддан иборат, Имом Термизийнинг бир жилдли ҳадис китоблари чоп этилди. Қуръони Карим саккиз марта, жами бир миллион нусхада нашр этилди;
- 2002 йили Қуръони Каримнинг изоҳли таржимаси шайх Абдулазиз Мансур томонидан тайёрланди;
- 2006 йил 3 ноябрь куни Хива шаҳрида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги нишонланди;
- 2006 йил Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги нишонланди;
- 2007 йили Марғилон шаҳрининг 2000 йилиги кенг нишонланди;
- 2008 йили Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги байрам қилинди;
- 2009 йили Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрам қилинади.

Ўзбекистонда миллий маънавий қадриятларнинг тикланиши

Юбилейлар муносабати билан улуғ аجدодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти чуқур ўрганилди, асарлари таржима қилинди ва бутун дунёга тарғиб қилинди

Тарихимида яшаб ўтган буюк алломалар, олим-у уламоларнинг мероси ўрганилди ва таваллуд кунлари нишонланди

Йирик давлат арбоби, лашкарбоши ва сиёсатчиларнинг мероси тикланди ва уларнинг тарихдаги хизматлари муносиб баҳоланди

Маънавиятимиз дурдоналари бўлган қадимий шаҳарларимизнинг юбилейларини нишонланди

Миллий урф-одат ва анъаналарга эътибор берилди

Юбилей муносабати билан қадим шаҳарларимиз, улардаги тарихий обидалар қайта таъмирланди ва улар ўхшаши йўқ гўзал қиёфага эга бўлди

Миллий тарихимиз қайтадан ёзилди

Миллий байрамлар тикланди, исломий қадриятларга эътибор қаратилди

Бой тарихий меросимиз миллий истиқлол ғоямизнинг асосини ташкил этди. Комил инсонни тарбиялашда тарихий меросимиз етакчи кучга айланди

Шавкатли аждодимизнинг ўлмас хизматлари шундаки, у мураккаб тарихий шароитда халқнинг бошини қовуштира билди. Истилочиларга қажатқич зарба бериб, Туркистон заминида илк бор истиқлол байроғини баланд кўтарди.

Пароканда мамлакатлар, эллар, элатларни бирлаштириб, марказлашган қудратли салтанат тузди.

Бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, тарифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ.

Амир Темур тузукларини ўқисам, худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўламан.

ИСЛОМ КАРИМОВ.



Тарихий хотирасиз - келажак йўқ



Мустақил Ўзбекистонда Амир Темур сиймосини қайта тиклаш ва унинг шахсини қадрлаш

- 1993 йилда Амир Темурга суворий ҳайкал ўрнатилди;
- «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида» (1994 йил, 29 декабр), «1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қилиши тўғрисида» (1995 йил, 26 декабр), «Темурийлар тарихи» давлат музейини ташкил этиш ва «Амир Темур» орденини таъсис этиш тўғрисида (1996 йил) қатор фармон ва қарорлар чиқарилди;
- 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди;
- Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги жаҳоннинг 50 дан ортиқ давлатларида нишонланди;
- Амир Темурнинг 660 йиллик юбилеи 1996 йил 21-24-апрель кунлари Франция пойтахти Париж шаҳрида ЮНЕСКО ташаббуси ва раҳбарлигида нишонланди, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов иштирок этди ва катта нутқ сўзлади;
- ЮНЕСКО қароргоҳида «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» мавзuida халқаро конференция ва кўргазма уюштирилди;
- Франция Президенти Ўзбекистон Президентига Амир Темурнинг 1402 йили Француз қироли Шарлга йўллаган мактубини совға қилди;
- 1996 йилнинг 18 октябрь куни Темурийлар тарихи давлат музейи очилди;
- 1996 йил 18 октябрь куни И.Каримов Самарқандда Амир Темур ҳайкалини тантанли равишда очди;
- 1996 йил 18 октябрь куни Шаҳрисабз - қадимий Кешда Оксарой ҳовлисида Амир Темур ҳайкали очилди;
- Мустақиллик йилларида Амир Темур тараққиёт буюк давлатчилиқ ва маънавий қудрат тимсолига айланди;
- Амир Темур таълимоти миллий истиқлол ғоямизга ҳамохангдир.

Таълим таракқиёти

- Узлуксиз таълимга асос 1992 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ умумий ўрта таълим таркиб жиҳатдан 5 босқичдан, яъни бошланғич (1- 4 - синфлар), таянч (5-9-синфлар) ва ўрта таълим (10-11-синфлар)дан ташкил топган эди;
- 1994 йилда 80 минг ўринли 209 та, 1995 йилда 55 минг ўринли 134 та, 1996 йилда 64 минг ўринли 198 та мактаб қурилиб фойдаланишга топширилди;
- Энг замонавий ихтисосликлар бўйича алоҳида университет ва институтлар, жумладан, Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети, Навоий кон-металлургия институти, мудофаа вазирлиги қошида Ҳарбий академия, Ички ишлар вазирлиги қошида Ички ишлар академияси, Банк-молия академияси каби ўнлаб янги олий ўқув юртлари ташкил этилди;
- Вилоятларда янгидан-янги ўқув юртлари очилди. Президент Каримовнинг 1992 йил 28 февралдаги Фармони билан 8 вилоят педагогика институтларига университет мақоми берилди;
- Олий Мажлиснинг 1996 йил декабрдаги Қарори билан 1 октябрь - «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» деб белгиланди;
- «*Кадрлар тайёрлаш миллий дастури*» асосида ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил августда тасдиқланган «Умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартлари» асосида янги ўқув дастурлари амалиётга жорий этилди;
- «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» 1997 йилда қабул қилинди;
- 1997 йилда қабул қилинган қонунга биноан олий таълим икки босқичда - бакалаврият ва магистратурадан иборат;
- 2001 йилдан бошлаб дарсликларни танлов асосида яратиш йўлга қўйилди;
- 2001-2002 ўқув йилидан эътиборан мактаб ўқувчиларига дарсликларни ижарага бериш тизими асосида таъминлашга босқичма-босқич ўтила бошланди;
- 2008 йил – Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан ёшлар сиёсатида туб ўзгариш ва ислохотлар бўлиб ўтди.



Таълим тараққиёти



Маданият соҳаларидаги ютуқлар

- 1991 йилда Фарғонада ва 1993 йилда Хивада давлат кўғирчоқ театрлари иш бошлади;
- 1993 йилда Тошкент шаҳрида ҳашаматли «Туркистон» саройи иш бошлади;
- 1994 йилда Қашқадарё ва Наманган вилояти театрлари қошида кўғирчоқ гуруҳлари очилди;
- 2001 йилда Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри бутунлай қайта қурилиб, унга Ўзбек миллий академик театри номи берилди;
- 2002 йилда Тошкент давлат консерваториясининг янги биноси ишга туширилиб, унга Ўзбекистон давлат консерваторияси мақоми берилди;
- Андижонда жамоатчилик асосидаги ёшлар театри давлат тасарруфига олиниб, у 1994 йилда Аббос Бакиров номидаги Андижон ёшлар ва болалар театрига айлантирилди;
- 2000 йили Огаҳий номидаги Хоразм вилоят театри тўла таъмир этилди;
- Турли тарихий мавзуларда Алишер Навои номидаги катта опера ва балет театрида М.Вафоевнинг «Ал-Фарғоний», А.Ҳидоятлов номидаги ўзбек давлат драма театрида Абдулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», ўзбек миллий академик драма театрида И.Муқимовнинг «Спитамен» асари сахналаштирилди. Шунингдек, кўплаб мавзуларда фестивал ва кўрик танловлари бўлиб ўтди;
- Мустафо Бафоев, Дилором Омонуллова, Алишер Икромов, Анор Назаровлар ижодининг янги даври бошланди;
- Тарихимизда яшаб ўтган буюк сиймоларнинг асарлари таржима қилиниб, халқимизга тақдим этилди;
- Турли шоир, адиб, олим ва тадқиқотчиларнинг миллий тарихимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизга бағишланган асарлари чоп этилди.

Спорт соҳаларидаги ютуқлар

- 1992 йилдан Термиз ва Шаҳрисабз шаҳрида миллий кураш бўйича халқаро мусобақа ўтказила бошланди;
- 1994 йилда Тошкентда теннис саройи қурилди;
- 1994 йили Ўзбекистон Республикаси спортчилари 1-мартда Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтказилган 12-Осиё ўйинларида иштирок этдилар ва улкан муваффақиятларга эришдилар. Улар 42 медални, жумладан 10 та олтин, 12 та кумуш, 20 та бронза медалини қўлга киритдилар;
- 1996 йил Артур Григорян Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашиб, мутлақ чемпион «Олтин камар»ни қўлга киритди. 2002 йилгача 17 марта жаҳон чемпиони номини сақлади;
- Тошкентда 1996 йил 14 августда Олимпия музейи ташкил этилди;
- 2001-2002 йиллардан бошлаб ҳар йили умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари орасида 4 босқичда (мактаб, туман, вилоят ва республика босқичлари) «Умид ниҳоллари», Академик лицей, коллеж ва 9-11-синф ўқувчилари орасида «Баркамол авлод», ҳар 2 йилда бир марта олий ўқув юртлири талабалари орасида «Универсиада» спорт мусобақаларини ўтказилиши йўлга қўйилди;
- 2003 йилда Республика миқёсида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастурлари тузилди. «Соғлом оила» мусобақаларини ўтказиш Низоми ишлаб чиқилган;
- 2002 йилнинг ўзида ўзбек спортчилари турли мусобақаларда қатнашиб 186 дан ортиқ Олтин медални қўлга киритдилар;
- Теннис маликаси Ирода Тўлаганова, машҳур боксчи Руслан Чагаев, олимпиада чемпиони Муҳаммад Қодир Аблуддаев, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов ва бошқа ўнлаб спортчиларимиз юртимиз номини шарафламоқдалар.



Спорт соҳаларидаги ютуқлар





Спорт соҳаларидаги ютуқлар



Миржалол Қосимов



Ирода Тўлаганова



Рустам Қасимжонов



Руслан Чагаев



Нима учун Ўзбекистон бозор иқтисодиёти йўлини танлади?

- _____
- _____
- _____

Нима сабабдан Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йиллариданок миллий тарих ва миллий қадриятларни тиклашга алоҳида эътибор қаратди?

- _____
- _____
- _____